Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

*1931 йилдан чиқа бошлаган* **1998 йил 24 январь, шанба** Баҳоси сотувда эркин нархда № 7 (7004)

Da'vat

**Шунчаки яхши бўлмасдан, нима учундир яхши бўлинг.**

**Г. ТОРО**

Ibrat

**Янги йилнинг дастлабки ойида Навоий вилоятида бир йўла учта янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Шу боис Хатирчи туманидаги 10- ва 37-мактаб ҳамда Навбаҳор туманидаги Усмон Юсупов номли мактаб ўқувчиларининг қувончлари чексиз.**

Jarayon

## МОҲИЯТНИ АНГЛАШ

*«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» кучга кирди. Галдаги вазифа — таълим муассасалари, ҳар бир маорифчи, педагог, мураббий бу ҳужжатларни синчиклаб, ипидан игнасигача ўрганиши керак. Чунки улар бундан буёнги дастуриламалимиздир. Агар биз уларнинг моҳиятини чуқур англаб етсак, уни бошқаларга ҳам уқдира олсак, таълим истиқболига йўл очилади.*

*Мухбиримизнинг Тошкент шаҳар Ҳамза туман халқ таълими бўлими мудири Ислом Зокиров билан бўлган мулоқотида бу ҳужжатларга асосланиб, ишни нимадан ва қандай бошламоқ керак, каби саволларга жавоб изланди.*

**— «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва миллий Дастурни ҳаётга жорий этишга туман маорифчилари қандай муносабат билдиришаяпти?**

— Қонун ва Миллий дастурни янгилашдан, қабул қилишдан кўзланган мақсад эзгудир. Бу давлатимизнинг мустақилликка эришгандан сўнг жаҳон билан юзлашишида учраётган тўсиқларни бартараф этишга ҳам қаратилган. Ҳар қандайин масалани ҳал қилишда кадрлар иштирок этади. Бинобарин, уларнинг етук, билимдон, зукко, зийрак ва тадбиркор бўлиши ана шу ҳужжатларда белгилаб қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишига боғлиқ. Билим олишнинг устиворлиги, таълимни инсонпарварлаштириш, демократлаштириш, ёшларни иқтидор ва қизиқишларига кўра табақалаштириб ўқитиш каби жараёнлар бу ҳужжатларда акс этганлиги билан барчамизга маъқул келди.

**— Табиийки, бу ҳужжатларни ўқиб-ўрганиш, муҳокама қилиш, тадбирлар белгилаш осон кечмаётган бўлса керак? Туманингиздаги таълим муассасаларининг раҳбарлари, ўқитувчи, мураббийлар бу иккала ҳужжатни қанчалик даражада ўқиб, уқиб олишди.**

— «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва миллий Дастур юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдириб яъни умумлаштириб олдик. Ўтган йилнинг 29-августида Олий Мажлиснинг IX-сессиясида ҳар иккала ҳужжат қабул қилингандан сўнг, Яккасарой туманидаги 25-мактабда пойтахтимиздаги барча ТХТБ мудирлари, янги типдаги ўқув муассасалари раҳбарлари иштирокида катта йиғин ўтказилди. Унда халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев «Таълим тўғрисида»ги Қонунни нима учун янгилаш зарурати пайдо бўлганига тўхталди. Ишни нимадан бошлашимиз лозим? Дастлабки босқичда нималар қилишимиз керак, деган саволларга янада ойдинлик киритилди.

Биз ишга киришдик. Шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бўйича жадвал тузилди. Бунга мувофиқ, ҳар бир туманда муҳокамалар бошланди. ТХТБ мудирлари иштирокида ўтказилган тест саволларида иштирок этдик. Саволлар 20 та бўлиб, раҳбарларнинг савияси, билим даражасини синовдан ўтказди.

ШХТББники сингари ўз туманимизда ҳам демографик харита тузиб чиққанимиздан сўнг, педагогик кенгашларда муҳокамалар бўлиб ўтди. Назоратчи ва услубчиларимизни ҳам бу ишга жалб қилишимиз катта наф бераяпти. Улар орқали бошқармамиз ва ТХТБ томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар қўлланма сифатида таълим муассасаларига етказилди.

**— Кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини яратишда мактаб зиммасига қандай вазифалар юкланган, деб ўйлайсиз?**

— Миллий Дастурнинг учинчи бобида худди шу тўғрида фикр билдирилган. Мактаб — қутлуғ даргоҳ, у билимлар мажмуасининг бошланғич маълумотлари жамлаб қўйилган бир кошона. Умумий мажбурий таълимни амалга оширишда у катта аҳамиятга эга. Мактабга илк марта қадам қўйган бола ўқувчига айланади. Хўш, уни қандай қилиб шахс даражасига кўтаришимиз керак? Миллий моделда белгилаб қўйилганки, «шахс-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи»дир. Болани баркамол шахс даражасига кўтариш учун мактабнинг зиммасида беҳад улкан вазифалар ётибди. Мактаб ўқувчига фақат таълим берувчи муассаса бўлмай, балки унинг шахсини тарбиялашга ҳам бош қўшиши керак. Мен бу борада ҳозирда мактаб олдига қўйилаётган янгича талабларни мумкин қадар амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида ўйлаб қоламан. Бизда мактаб ва оила ҳамкорлиги кейинги йилларда анча сусайди. Умуман, боланинг одоб-ахлоқини яхши томонга шакллантиришга масъулмиз. Миллий моделнинг давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш каби компонентлари учун ҳам, менинг фикримча, мактаб объект сифатида хизмат қилиши керак.

**— Ихтиёрий-мажбурий 3 йиллик таълим, яъни академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежла-**

**(Давоми 2-бетда)**

## ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

*Наманганда бўлиб ўтган вилоят фаоллари йиғилишида билимдон, малакали мутахассисларни тайёрлаш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммолари, шунингдек, ижтимоий соҳани янада ривожлантиришнинг мазкур муаммолар билан боғлиқ масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ижтимоий тараққиёт, хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича ўринбосарлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг, ижтимоий жамғармалар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, маҳалла қўмиталарининг вакиллари иштирок этди.*

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев йиғилиш иштирокчилари ҳузурида нутқ сўзлади.*

*Ёшларни тарбиялаш педагог ходимлардан юксак маҳорат ва жонкуярликни талаб қилади. Лекин бу — фақат педагогларнинггина иши эмас. Бу масалаларга ижтимоий жамғармалар, жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари ҳам катта эътибор бериши керак. Чунки, мамлакатимизнинг эртанги куни, келажагимиз барча манфаатдор томонларнинг шу кунларда биргаликда қиладиган саъй-ҳаракатларига боғлиқ.*

*Йиғилишда вилоят ҳокими Т. Жабборов иштирок этди.*

**Н. ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## JUMLADA JAHON

● **Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби Хитойнинг «Халқаро маданият» Давлат нашриёти томонидан кўп нусхада нашр этилди.**

● **Самарқандда буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.**

● **Қирғизистоннинг Тошкентдаги элчихонасида икки давлат ўртасида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг бир йиллиги, шунингдек, давлатларимиз ўртасида ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганига беш йил тўлиши муносабати билан брифинг бўлиб ўтди.**

● **Туркманистонда сигарета рекламалари маън этиладиган бўлди — бу ишда ташаббус кўрсатган мамлакат раҳбари С. Ниёзов, сўнгра вазирлар ва турли амалдорлар ҳам секин-аста чекишни ташладилар.**

● **Эрон ташқи ишлар вазири Камол Харрозий БМТ Бош котиби К. Ананга мактуб йўллаб, уни Тожикистондаги вазиятни яхшилашда ёрдам беришга чақирди.**

● **АҚШ ҳукумати Босниядаги Сербия республикасининг янги Бош вазири этиб Милорад Додик сайланганини қўллаб-қувватлади.**

● **Индонезия ҳукумати мамлакатда кечаётган молиявий танглики бартараф этиш мақсадида Халқаро валюта жамғармаси билан битим имзолади.**

● **Парижда ишсизликка қарши ва ягона Европа валютаси — еврони тезроқ жорий этиш чақириғи билан 20 мингга яқин киши қатнашган оммавий намойишлар бўлиб ўтди.**

Aks sado

## МАКТАБ АСОСИЙ ИЖРОЧИ

*«Маърифат» газетасида эълон қилинган «Биринчи босқич тайёргарликдир» (халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев билан суҳбат) сарлавҳали мақолани ҳафсала билан ўқиб чиқдим ва шундай хулосага келдим. Таълим тизимидаги мўлжал ва режалар тўғри олинган. Шунга монанд равишда бизнинг илм масканимизда ҳам бир талай амалий ишлар бошлаб юборилди.*

*Мактабимизда ота-оналар йиғилиши ўтказилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ота-оналар томонидан ҳам қўллаб — қувватланди. Сўнгра ҳар бир синф ўқувчилари ота-оналари учун ўқуви ташкил этилди.*

*Болаларни мактабга тайёрлаш маркази ишлаб турибди. Унда ҳафтанинг 6 кунида болаларни мактабга тайёрлаш, ўқитиш, ўргатиш учун маслаҳатлар берилади. Таътил кунларида болалар ўқитилади, ўқувчиликка тайёрланади.*

*Биринчи босқич талабларидан бири — миллий Дастурга мувофиқ, таълим тизимини қайта қуриш ва тубдан яхшилашдир. Мактаб нафақат биринчи босқичда, балки қолганларида ҳам бош иштирокчига айланади. Бизда илғор тажрибани ўрганувчи «Илҳом» ижодий гуруҳи фаолият кўрсатиб келмоқда. Олий тоифали француз тили ўқитувчиси Т. Мирзахўжаев, биринчи тоифали ўқитувчилар З. Умарова, А. Аҳмедова, Р. Садихонова кабилар илғор педагогик усулларни дарс жараёнига сингдирмоқдалар. Бошланғич синф ўқитувчиси Равзахон Садихpraнованинг иш усуллари 1997 йилда туман миқёсида оммалаштирилди.*

*1997 йилда XI синфни 68 нафар ўқувчи битирди. 19 нафари олий ўқув юртларига, 21 нафари техникумларга, 11 нафари билим юртларига, қолганлари ишлаб чиқаришга йўл олишди.*

*Мактаб ёш авлодни камолга етказади. Унинг вазифаси янада кўпайди. Лекин биз бундан чўчимаслигимиз керак.*

**Шаробиддин УМАРОВ,**
**Наманган туманидаги Акмал Икромов номидаги 22-ўрта мактаб директори**

**ТАЪЛИМДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИ 2-бет**

**РУҲ ЗАВҚИ ВА МАЪРИФАТ НУРИ 3-бет**



**Болаларга берилган меҳр ҳеч қачон беиз кетмайди. Умид билан экилган дарахт бир куни ўз ҳосилини беради. Буни бахтиёр муаллима Холида Сулаймонова мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Холида опа пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Банк академияси қошидаги лицейда саккиз йилдан буён химия фанидан сабоқ беради. Ўн тўққиз йиллик тажрибага эга. Яқинда Холида Сулаймонованинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.**

**Суратда: мураббия Холида Сулаймонова шогирдлари даврасида.**

**В. КИРИЛЛОВ олган сурат**

Al-Farg'oniy tavalludining 1200 yilligi oldidan

## АЛЛОМА

Ўрта асрлар Шарқида дунё тан олган учта фан ва тадқиқот маркази — Академия бўлган. Биринчиси, Ҳорун ар-Рашид асос солган Боғдод Академияси — «Байтул Ҳикма» («Донишмандлар уйи», VIII — IX аср); иккинчиси, Хоразмда «Қирқ мулла» (Беруний ва Ибн Сино асос солган, XI аср), ҳозир бу академия тикланди; учинчиси, Самарқанд, Улуғбек академияси (XV аср).

Биз қуйида «Байтул Ҳикма» ва ватандошимиз Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Каср ал-Фарғонийнинг географияга доир қарашлари ҳақида имконимиз даражасида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Аҳмад Фарғонийнинг туғилган йили, жойи, болалик даври ҳақида аниқ маълумотлар деярли сақланмаган. Кейинги йилларда Фарғона политехника институтининг доценти А. Йўлдошев алломанинг туғилган санасини 787 йил деб эълон қилди. Лекин буни қайси манбадан олганлиги ҳақида у маълумот бермаган. Туғилган жойи Қува шаҳри атрофида, деган тахминлар бор. Археологик изланишларга кўра, Қува водийдаги энг қадимги шаҳарлардан бири. Бу ерда будда ибодатхонаси ва осмон жисмларини кузатадиган астрономик иншоот харобалари топилган. Шуларга таяниб бу жойда математика, астрономия, география каби дунёвий илмлар ривожланган, ёш Аҳмад шундай муҳитда таълим-тарбия олган, дейиш мумкин.

Ал-Фарғоний дастлаб саводини қишлоқда — маҳалла масжидида чиқарган, кейин илм излаб Марв, Боғдод, Дамашқ, Қоҳирада бўлган. Биз тақдир тақозоси билан алломанинг Боғдодда «Байтул Ҳикма» раҳбари Ал-Хоразмий билан танишгани, бу ерда мударрислик қилгани ҳақида маълумотларга эгамиз.

Ал-Фарғонийнинг илмий салоҳияти халифаликнинг эътиборига тушади ва унинг учун шаҳар атрофидаги қулай жойларда иккита расадхона қуришга фармон беради. Қурилиш битгач, илмий тадқиқот ишлари расадхонага кўчирилади. Ўша вақтларда жаҳон олимлари Ер курраси $1^0$ меридиани ёйининг узунлигини аниқлашга киришган эди. Бу ишга Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний ҳам жалб этилади. Улар бу узунликни 111,8 км деб аниқлайдилар. Ўша давр учун бу буюк кашфиёт эди. Улар ҳисоблаб топган

**(Давоми 2-бетда)**

Tadbir

## «ИЛК ҲОСИЛ БАЙРАМИ»

Бўладиган бола бошидан маълум, деб айтган ота-боболаримиз. Фақат ўша бўладиганга эътибор, тарбия зарур. Инчунин, бошланғич синф ўқитувчиларининг зиммасига катта масъулият юкланган. Фарзандлар қалбида яратилажак билим қасрининг пойдеворини яратувчиси улар. Пойтахтимиздаги 179-мактабда ўзига хос анъана яратилган. Яъни тажрибали ўқитувчиларга мактабга янги ишга келган муаллимлар бириктириб қўйилади. Устоз мақомидаги тажрибали педагог ёшларга билим бериш услуби ва сир-асрорларини ўргатади. Шу боис, бу ерда фидойи ўқитувчилар кўп. П. Аҳмедова, Д. Ҳошимова, К. Позилова сингари устозлар шогирдлардан меҳр-муҳаббатини аямайди.

Бу хайрли иш яқинда бўлиб ўтган «Alifbe» байрамида ўз натижасини кўрсатди. Санобар Мусаева ёш мураббия. Тўрт йилдан буён ёшларга билим бериш сирларини ўрганиб, шу соҳада меҳнат қилаётган бўлса-да, устози Фарида Мирюсуповадан кўп нарсани ўрганди. Ахир лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўргатишни ўзи бўладими?

«Alifbe» байрами — «биринчи ҳосилдан кўтарилган хирмон». Қайси ўқитувчининг қандай меҳнат қилганининг нишонаси бу. Шу куни ота-оналар ёш мураббия Санобардан беҳад миннатдор бўлдилар. Байрам уч соат давом этди. Ўқитувчилар «Зумрад ва Қиммат» эртагидан саҳна ижро этишди.

Ўгай онанинг ролини ўйнаган қизча:

— Отаси — деб чақирса.

— Чақиргандай бўлдингми, кампир, — деб «чол» кириб келяпти.

Болаларнинг жиддийлиги, ўзини тутиши. Қанчалик ихлос билан тайёрланган улар. Болалар интермедия қўйяпти:

— Вой қарилик қурсинэй. Хотиржам ухлайверсам бўлмайдими? Қариганда уйқу ўлгур ҳам қочиб кетади, — дея нолиса, иккинчиси — қизча югуриб келиб:

— Энажон, уйқунгизни чақириб келайми? — деб сўрайди.

Синф кулгу қасрига айланади.

Ота-она учун бундан ортиқ бахт борми? Яна Гулчеҳра Дадажонованинг рақслари йиғилганларни мафтун этди.

Давлат рамзлари, байроғимиз, гербимиз ҳам назардан четда қолмаган. Шабнам исмли қиз:

Сени севиб чин дилдан,

Куйлаймиз мадҳиянгни, — деб айтгач, ўқувчилар баравариға мадҳияни куйлади. Бутун синф оёққа қалқди. Ватанга садоқат, меҳру муҳаббат ҳислари мана шундай тадбирларда камол топади, дея ўйладим уларнинг ҳолатини кузатиб.

«Alifbe» байрамини — «биринчи ҳосил байрами» деб атагим келди. Шогирдининг ютуғидан қувониб, табриклаб, уни бағрига босган Фарида опага қараб, шу ўй хаёлимдан кечди. Истагим, ҳар бир ўқитувчининг хирмони баланд бўлсин. Ана ўшанда биз истаган ниятлар амалга ошади.

**Раҳмон АЛИ**

## MMM XABARLARI

### КУН ТАРТИБИДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

Яқинда Шаҳрисабз туманидаги Собир Абдулла номидаги 78-таянч мактабда ўтказилган ота-оналар конференциясида асосий диққат-эътибор ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш масалаларига қаратилди.

Унда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да кўрсатиб берилган таълим тўғрисидаги ғояларни мактаб ҳаётига татбиқ этиш, тарбия жараёнида мактаб ва ота-оналарнинг бурчи ва уларнинг ҳамкорлиги масалаларида қизғин мунозаралар бўлиб ўтди.

**А. МУҚИМОВ**

### МАЪРИФАТПАРВАР РАИС

Ҳазорасп туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги раиси Йўлдош Матсаидов ҳақида зиёлилар орасида гап кеттудек бўлса: «У чинакам таълим жонкуяри» дея таърифлашади. Дарҳақиқат, шундай. У кишининг «Халқ таълими ҳомийси» нишони билан тақдирланиши ҳам бежиз эмас.

Жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган, 2-, 12-, 41-, 35-, 47-, 44-мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, уларни ҳар йили сифатли таъмирлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий рағбатлантириб туришда ҳимматпарвар раиснинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

**Ғ. ЁҚУБОВ**

### ЯХШИЛИК ҚАЙТСА, ЯНАДА ЯХШИ

Балиқчи туманидаги А. Қаҳҳор номидаги 7-ўрта мактаб жамоаси устоз Олимжон Шариповни ҳурмат-эҳтиром билан қарилик гаштини суришга кузатиб қўйдилар. 60 йиллик тўй тантанасида туман халқ таълими бўлими вакили сўзга чиқиб, устоз босиб ўтган ҳаёт йўли барчага ўрнак бўлиши ҳақида гапирди. Олимжон домланинг шогирдлари, ҳамкасблари, маҳалла аҳли уни чин дилдан қутлаб, энг эзгу тилакларини билдирганларида устоз беҳад мамнуният билан қирқ йиллик чарчоғи чиқиб кетганлигини айтди. Хуллас, тадбир инсонга эътибор ҳамда меҳнатни қадрлашнинг олий кўриниши бўлди.

**Ф. КАРИМОВ**

### «ОТАБЕК» ВА «КУМУШ» БИЛАН УЧРАШУВ

«Ўзбекфильм» киностудиясида бундан 30 йил бурун суратга олинган «Ўтган кунлар» бадиий фильмини севиб томоша қилмаган одам кам топилса керак. Куни кеча ТошДУнинг журналистика факультети талабалари факультет декани, профессор Ҳ. Акбаров ташаббуси билан мазкур фильм қаҳрамонлари — Отабек ва Кумуш ролини ижро этган Ўлмас Алихўжаев ҳамда Гулчеҳра Жамиловалар билан учрашдилар.

«Отабек» билан «Кумуш» талабаларга ўзларининг ҳаёти, шунингдек «Ўтган кунлар» фильмининг суратга олиниш жараёни ҳақида сўзлаб бердилар. Меҳмонларнинг айтишича, улар фильмда бирга роль ўйнаган бўлсалар ҳам 30 йил давомида бундай учрашувларда бирга қатнашишмаган экан.

Ушбу учрашув бўлғуси журналистларда илиқ таассурот қолдирди.

**Жаҳонгир ТОЙБОЛАЕВ**

Hamkorlik sarhadlari



*«Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин».*

**(Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасидан).**

# ТАЪЛИМДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИ

Мамлакатимизда ўтган йили қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан қатор амалий ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур ҳужжатлар асосида таълим тизимининг ҳуқуқий-меъёрий, моддий-маънавий заминини яратаётган экан, кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзагини ташкил этувчи умумтаълим, касб-ҳунар таълимининг тажриба негизини шакллантириш масалаларини ҳам эътибордан четда қолдираётгани йўқ. Тўғри, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар асосан иккинчи босқичда тўла ишга тушса-да, бироқ улар фаолиятини таъмин этувчи омиллар бугунги ўтиш давридаёқ яратилиши лозим. Шу боис бу ишларни кўнгилдагидек амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ўзига хос стратегик дастур ва йўналишлар ишлаб чиқилмоқда. Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан «Амероз Индустриес» ўзбек-америка қўшма корхонаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва биргаликда фаолият кўрсатиш тўғрисидаги шартнома ҳужжатларини имзолаш маросими фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев маросимни бошқарар экан, жумладан шундай деди:

**— Халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, қолаверса чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалда муваффақиятли қўллаш кўзлаган мақсадга эришувимизни янада тезлаштиради. Қарс икки қўлдан, деганларидек, қачонки биз бу маблағлардан барча турдаги, яъни мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълимни қамраб олган ҳолда, аниқ мақсад билан фойдалана олсаккина, ютуққа эришамиз.**

**Мамлакатимиз таълим тизими ўтиш даврини бошидан кечираётган экан, бугун маорифга чет эл инвестициясининг жалб этилиши табиий ҳолдир. Мен шуни ишонч билан айта оламанки, йиллар ўтиб, Ўзбекистон ҳам чет элларда таълим ривожланишига ўз ҳиссасини қўшадиган, ҳомийлик қиладиган қудратли давлатта айланади.**

Маросимда сўзга чиққан «Амероз Индустриес» ўзбек-америка қўшма корхонаси Бош директори жаноб Жон Майкл Жонс ўз фикрларини мана бу тарзда ифода этди:

**— Биз Ўзбекистон Республикасининг барча турдаги таълим муассасаларига чет эллардан турли ўқув қуроллари ва замонавий ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари олиб келамиз. Ўқитувчи ходимларнинг иш тажрибасини ошириш мақсадида уларни чет элларга юборамиз, чет эллик ўқитувчиларни бу ерга таклиф этамиз. Ўқувчиларининг чет эл мактабларида таълим олишлари учун шарт-шароит яратиш ҳам асосий мақсадларимиздан бири. Ўйлайманки, биз бошлаган иш ўзининг самарали натижаларини беради.**

Шундан сўнг шартнома имзоланди. Уни Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан вазир ўринбосари Хайриддин Маъсудов, «Амероз Индустриес» ўзбек-америка қўшма корхонаси томонидан корхона бошқаруви раиси Мир Аҳмад Мир Азим ва Бош директор Жон Майкл Жонс имзолашди.

Мамлакатимиз ўқув муассасаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга устивор буюртмалар тизимини жорий қилиш, импорт ва экспорт қилинган маҳсулотларни ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида сотишга эришиш шартнома низомида қайд этилади. Икки томонлама тузилган бу шартнома муддати ўн йил бўлиб. «Амероз Индустриес» ўзбек-америка қўшма корхонаси дастлабки режаларни амалга ошириш учун шу кун 10 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратадиган бўлди.

Шартномани имзолаш маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонасининг, биринчи котиби жаноб Жон Фокс иштирок этди.

Маросим сўнгида биз Халқ таълими вазирлиги ўқув-ишлаб чиқариш, компьютерлаштириш ва бозор тузулмаларини ривожлантириш Бошқармаси бошлиғи Сойибжон Алиевга бир нечта савол билан мурожаат этдик.

**— Ушбу шартномани ҳаётга татбиқ этиш нималардан бошланади, деб ўйлайсиз?**

— Амалий жараённинг биринчи босқичига ўзингиз гувоҳ бўлдингиз. Эндиги босқичда вилоят халқ таълими бошқармалари қошида қўшма корхона филиаллари ташкил этилади. Учинчи босқич яна ҳам мураккаб ва асосийси бўлиб, унда таълим муассасалари билан бевосита шартномалар тузилади.

**— Таълим ривожланишига ўз инвестициясини жорий этувчи халқаро ва нодавлат ташкилотлари билан яна шартномалар имзолаш мумкинми?**

— Вазирлик ҳар қандай чет эл компанияси билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Қанчалик кўп хорижий сармоя жалб этилса, шунчалик тезроқ мақсадга етишимиз мумкин. Лекин энг асосийси ундан кўзланган аниқ ният ва пировардида кутилган натижа бўлиши керак.

**Дарҳақиқат, мутахассис фикрида жон бор. Мамлакатимиз таълим тизимига чет эл сармояси янада кўпроқ оқиб келаверсин. Шу баробарида кутилган натижаларимиз ҳам аъло даражада бўлса, бу бизнинг ютуғимиздир.**

**Норали ОЧИЛОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири**

**Суратда: ҳамкорлик шартномасини имзолаш маросимидан лавҳалар.**
**В. КИРИЛЛОВ олган суратлар**

# МОҲИЯТНИ АНГЛАШ

**(Боши 1-бетда)**

**ри ҳақида сўрамоқчи эдим?**

— Биринчи босқич — ўтиш даври. Аммо бу босқичда қолганлари учун пишиқ-пухта замин ҳозирланиши керак. Иккинчи босқич — 2001-2005 йиллар орасидаги давр вазифалари ҳам салмоқли.

Сиз тўғри таъкидладингиз, уч йиллик таълимни жорий этишда қийинчиликлар учраши мумкин. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳақида гап кетганда, олдимизда биз уларни ташкил этишга моддий жиҳатдан тайёрмизми, деган савол пайдо бўлади.

Туманимиз бўйича демографик харита тузиб чиққанимизда, талабга яқин даражадаги академик лицейларни ташкил эта олишимизга ишонч ҳосил қилдик. 216-мактабни ана шундай ўқув даргоҳига айлантириш мумкин. У ердаги таълим жараёни ва улардаги муаллимлар салоқияти бунга тўлиқ имкон беради.

166-мактабни иқтисодий йўналишдаги таълим даргоҳига айлантиришни мўлжаллаяпмиз. «Иқтисод фани асослари» дарслигини яратган ўқитувчи В. Г. Матвеев мазкур мактабда хизмат қилади. У яратган дарслик шаҳримиздаги русийзабон мактаблар учун жорий этилди.

307-мактаб комплекси ҳақида ҳам шундай хулосага келдик. Бу ерда ҳам моддий база мустаҳкамлаб олинса, академик лицей мақомини берсак бўлади. 307-мактабда уч йилдан буён педагогик синфлар фаолият кўрсатаётгани қувончли ҳол. Ахир мактаб ўзига ўзи кадр тайёрлаш ҳақида қайғуриши керак. Бозор иқтисодиёти даврида унинг кадрларга бўлган эҳтиёжида қунимсизлик учраётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Касб-ҳунар коллежларини қай тарзда вужудга келтиришимиз керак? Очиғини айтганда, худди академик лицейлар каби бундай ўқув даргоҳларини ташкил этишга ҳам қисман тайёрмиз. Кейинги уч йил ичида 9-синф битирувчиларининг қаёққа кетаётганлиги таҳлил қилинганда, ўрта ҳисобда 10-синфга 48 фоиз, ўрта махсус билим юртларига 9 фоиз, ҳунар-таълим билим юртларига ва ҳар хил курсларга 25 фоиз, давлат ва нодавлат корхоналарига ишга кирганлар 13 фоизни ташкил этган.

Мақсад уларни ҳар қаёққа тарқатиб юбориш эмас, балки қизиқиш, хоҳиш-иродаларини ҳисобга олиб, таълимнинг янада чуқурлашган жараёнига ёки касб-ҳунарга йўналтиришдан иборат. Туманимизда 50 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекқоғоз», «Лола» фабрикалари, «ТашОР, «Олтин бошоқ» хиссадорлик жамиятлари, машинасозлик заводи, «Ташмаргёғ» комбинатлари шулар жумласидан. Агар биз мазкур ишлаб чиқариш корхоналари билан мустаҳкам алоқа ўрната олсак, бу улар учун ҳам, биз учун ҳам катта манфаат келтиради. Туманимиздаги техника лицейи, 1-темир йўл, 15-қурилиш, 5-ҳунар мактабларини касб-ҳунар коллежларига айлантирсак, бу борадаги ютуқларимиз кўпайса кўпайдики, камаймайди.

Тўсиқ ва зиддиятларни нимада кузатиш мумкин? Кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларининг олий ўқув юртларида таҳсил олишларини исташади ва турган гапки, уларнинг талабларига биноан ўқишга лаёқати бўлмаган ўсмирлар ҳам академик лицейларда ўқишни давом эттиришлари керак. Бизнинг вазифамиз эса ҳар бола ҳам олий таълим олишга ҳақли эканлиги, у ерда ҳамма ҳам қодир эмаслигини уларга тушунтиришдан иборат бўлади. Ахир касб-ҳунар коллежида ўқиб, ҳаётдан ўз ўрнини топиб кетган йигит-қизлар ҳам сон-саноқсиз-ку.

**— Мактабгача таълим тизимидан тортиб олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳам ислоҳ қилиниши керак. Шу ўринда бошқарув тизимига қандай вазифалар юкланиши ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Узлуксиз таълим давомийдир. Миллий дастурни амалга оширишда таълим муассасалари давлат йўли билан бошқарилишини ҳисобга олсак-да, барибир бунга ўзимиз кўпроқ масъулмиз. Маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағларни оқилона тақсимлаш, мактаб, боғча, лицей ва касб ҳунар коллежларининг моддий аҳволини яхшилашга жиддий ёндошишимиз керак.

**— Қонун ва Миллий дастурнинг дастлабки босқичига киришдик. Сиз туман маорифчиларини, ўқитувчи ва мураббийларини бунга тамоман тайёр деб биласизми?**

— Биз ҳали ўрганаётирмиз. Иккинчидан, кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш каби энг катта вазифалар турибди. Ана шу ишлар амалга оширилгандан сўнггина, мен бунга таълим муассасаларимизни тайёр деб ҳисоблайман.

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА**
**суҳбатлашди**

## ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

**Босния Герцоговинада НАТО бошчилигидаги халқаро кучлар қатлиомда гумон этилаётган боснийлик сербни ҳибсга олганлар. Горан — Жешсич фуқаро урушида ўн тўрт мусулмон асирини ўлдиришда айбланмоқда. Бу шахс Гагадаги халқаро трибунал қўлига топширилиши кутилмоқда.**

* * *

**АҚШ мудофаа вазирининг айтишича, Жанубий Кореянинг ўз мудофаа харажатларини қисқартириш ҳақидаги қарори Шимолий Кореяга нотўғри белги бўлиши мумкин. Иқтисодий инқирозга юз тутган Сеул ҳукумати шундай қарорга келган эди. АҚШ вазирининг айтишича, Пхеньян ушбу вазиятдан чегарадаги қўшинларга ҳужум қилиш хавфи бордир.**

* * *

**Иқтисодий инқироз чуқурлашар экан, Индонезия маъмурияти шу йили ишсизлар сони кескин ўсажаги ҳақида огоҳлантирган. Меҳнат вазирлигининг билдиришича, бу йил 1 миллионга яқин одам ўз иш жойларидан ажраладилар. Бошқа тахминларга кўра, ишсизлар сони бундан ҳам баланд бўлиши мумкин.**

* * *

**Россия, Белорусь, Қозоғистон ва Қирғизистон орасида божхона иттифоқини тузиш ғояси яна бир тўсиққа учраган. Москвада учрашган ушбу тўрт мамлакат президентлари тегишли ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун қўшма қўмитага юборганлар. Қўмита янги битимни Белорусь пойтахтида апрель ойида белгиланган йиғинда тайёрлаши кутилмоқда.**

**Президент Ельциннинг айтишича, битим МДҲ фаолиятига таъсир кўрсатмаслиги керак. Аввалроқ Россия раҳбари МДҲ бўлиниб кетаётганидан хавотир билдирган эди.**

**«ВВС» (Лондон)**

Kasaba uyushmalari hayoti

# КУН ТАРТИБИДА — ОИЛА МАНФААТЛАРИ

Сурхондарё вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг навбатдан ташқари V пленуми бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибида оила манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи турарди. Мазкур масала юзасидан тармоқ ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси М. Сатторов маъруза қилди.

Вилоят тармоқ касаба уюшмасининг Оила йилидаги режа-тадбирлари бисёр. М. Сатторов маърузасида ана шу режалардан бир қанчаси кўрсатиб ўтилди.

Муҳокамалар қизғин давом этди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси И. Абдуғаниев ўз сўзида тармоқ ходимлари оилаларининг ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, муҳофаза этиш масалалари маҳаллий ҳокимликлар, халқ таълими бошқарма ва бўлимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг раҳбарлари, маҳалла қўмиталари билан тузиладиган жамоа шартномаларида, албатта, акс этиши кераклигини таъкидлади. Чунки бу — давлат, жамият ва оила равнақи йўлидаги эзгу ишдир.

Анжуман кун тартибида кўрилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Кўп йиллардан буён тармоқ касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси бўлиб хизмат қилаётган М. Сатторов нафақага чиқди. Тармоқ соҳасидаги хизматлари учун унга Марказий қўмитанинг фахрий ёрлиғи, эсдалик совға ва мукофотлари берилди.

Вилоят ҳокимлигида ишлаётган Х. Досов тармоқ касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

**Г. ПАРПИЕВА**

## АДОЛАТ МЕЗОНИ

*Бахмал тумани мактабларида таълим тизимини янгилаш, ўқитишнинг янги такомиллашган технологиясини жорий этиш, таълимни демократлаштириш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатларини яхшилаш чоралари изланмоқда. Халқ таълими соҳасидаги шундай янгиликлардан бири — таълим жараёнига рейтинг усулининг жорий қилинишидир. Бу усул биринчидан, ўқувчи билан ва кўникмаларини адолатли, аниқ белгилаб беради, ҳамма ўқувчини мустақил изланишга, кўпроқ ўз устида ишлашга йўналтиради. Бу усул ўтган ўқув йилидан бошлаб тумандаги барча мактабларда тажриба тариқасида 1,2 та синфларда бошланди. Тумандаги 1, 8, 44-мактабларда шу соҳага бағишланган семинар йиғилишлари уюштирилди.*

*Халқ таълими бўлими услубиёт хонаси рейтинг тизимини мактабларга жорий қилишда баллар мезонини ишлаб чиқди. Бунда ўқитувчининг бир йиллик иш режасини тузиш учун аниқ тавсиялар берилди.*

*1997 йил июнь ойида фанлар бўйича ўтказилган услубий шўъба йиғилишларида ўқитувчиларга рейтинг усулида ишлаш жараёнида зарур бўлган ҳужжатлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилди. Янги ўқув йилидан ҳар бир мактабнинг 50 фоиздан зиёд синфларида ушбу усулда дарс ўтиш келишиб олинди.*

*Айни пайтда туман миқёсида 427 синф ўқувчиларига янги педагогик технология — рейтинг усулида дарс ўтилмоқда.*

*Бу борада тажрибага эга бўлган 25 дан ортиқ мактабларнинг 5-11-синфларида, 1, 8, 9, 45-мактабларнинг 2-11-синфларида ушбу усул асосида дарс машғулотлари олиб борилмоқда.*

**Т. ОРАҚУЛОВ,**
**Бахмал тумани халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мудири**

# АЛЛОМА

**(Боши 1-бетда)**

узунлик ҳозирги замон ўлчовига (111,2 км) жуда яқин.

Халифаликнинг топшириғига кўра, Фарғоний бир неча олимлар билан бирга Рум ва Юнонистонга бориб, ноёб китоб ва қўлёзмалар келтиришади. Ватандошимиз уларни арабчага таржима қилиб, шарҳлар ёзади.

Мелодий 850 йили Муҳаммад ал-Хоразмий вафот эттач, халифалик ва олимлар жамоаси Аҳмад Фарғонийни якдиллик билан «Байтул Ҳикма»га раҳбар этиб сайлашади. Бу унинг илм-фан, маданият ривожига қўшган ҳиссаси ва хизматларининг муносиб тақдирлаганидан далолатдир. Қолаверса, жаҳон илм аҳлининг Аҳмад Фарғонийни аллома, фан арбоби, дея тан олганини кўрсатади. Бу қутлуғ, шарафли ном ва лавозим бундан 12 аср илгари ватандошимизга насиб этганлигидан биз — ўзбекистонликлар ҳар қанча фахрлансак арзийди!

Улуғ бобомиз бой илмий мерос қолдирган. «Маъмун астрономик жадвали», «Осмон жисмлари ҳаракати» каби китобларининг географияга оид бўлимларида мамлакатлар, катта-катта шаҳарларнинг географик координаталари градус — даражаларда ифодаланган, қайси иқлимда жойлашгани, чегаралари ва табиат тасвири берилган. Ернинг думалоқлиги жуда оддий, шу билан бирга илмий асосда тушунтирилган. Булар дунё харитасининг ўзига хос дастлабки намунаси эди. Ундан XI асрда Беруний, XIV асрда (Амир Темур ва Шоҳруҳ даврида) Шарқнинг буюк картографи Ҳофизи Абру ижодий фойдаланган. 1492 йили Х. Колумб томонидан Янги Дунё — Американинг кашф этилишида бу хариталар ва географик тафаккурнинг қўл келганини инкор этиб бўлмайди. Чунки, улуғ дарғанинг бош штурмани, кўпчилик матрослари араблар бўлгани, Колумбнинг ўзи ҳам арабчани ўрганганини ва Америка қирғоқларига қадам қўйганида ерли халқларга арабча салом берганини ҳамма билади.

Шу ўринда Ал-Фарғонийнинг «иқлим» тушунчасига ҳам изоҳ бериб ўтиш лозим. Кўпчилик зиёлилар Шарқ географиясидаги бу атамани тибиий (иқлим) шароит деб тушунадилар. Бу нотўғри. Фарғоний ва бошқа туркистонлик олимларнинг «иқлими», бу — мамлакат, шаҳарларнинг географик жойлашишини англатади. Мисол: «Ўн дарвеш бир гиламга сиғиб ётарлар, икки шоҳ бир иқлимга (мамлакатта) сиғмайди» (Саъдий). «Чунки Искандар — шаҳри иқлимгир...» (Навоий, «Ҳайратул Аброр»). Бу ўринда иқлимгир — жаҳонгир дегани.

Бундан ташқари, Фарғоний томонидан «Қуёш соати» ихтиро қилинган бўлиб, унинг ёрдамида маҳаллий вақт аниқланган. Унинг яна бир ихтироси — дарё сувини ўлчайдиган асбоб билан Нил дарёси сув сарфини ўлчашган. Ҳар икки ихтиронинг илмий ва амалий география учун аҳамияти катта, география тарихидаги камёб кашфиётлардир.

Афсуски, жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилинган буюк аждодимизнинг илмий мероси, кашфиётларидан биз — унинг ватандошлари ҳали-ҳануз бебаҳрамиз. Аллома меросини она тилимизда нашр эттириш мустақил юртимиз олимларининг муқаддас бурчидир. Бу борада миннатдор халқимиз, олимларимиз А. Носиров, Х. Ҳикматуллаев, Т. Жўраев, М. Хайруллаев, А. Йўлдошев, А. Аҳмедовнинг хизматларини ҳурмат билан тилға олади. Бизнинг ушбу мулоҳазаларимиз денгиздан бир томчи, холос.

**Комилжон ТЕШАБОЕВ,**
**Риштон туманидаги А. Мўминов номидаги 32-ўрта мактаб ўқитувчиси**



*Тўлақонли камолга етган мутахассис ўз соҳасини мукаммал билиши баробарида чинакам инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган, гўзалликка ошно бўлиши ҳам лозим. Оқтош шаҳридаги касб-ҳунар мактабининг тил ва адабиёт ўқитувчиси Комила Жумаева ўқувчиларга айнан шу хислатларни сингдиришни ўзининг эзгу мақсади, деб билади. Унинг сермазмун маърузалари ҳамда одоб-ахлоқ хусусидаги суҳбатларини ёшлар ҳамиша қизиқиш билан тинглашади.*

*Суратда: К. Жумаева қизлар билан оила хусусида суҳбат қилмоқда.*
**И. РАҲМАТОВ олган сурат**

# МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ВА ТАДБИРКОРЛИК

**Ўзбек халқининг юксак санъати ва маданияти унинг барча касб-ҳунар соҳаларида ўз ифодасини топган ва асрлар оша сақланиб келинмоқда.**

**Халқ миллий ҳунармандчилигида кулолчилик, гиламчилик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқалар алоҳида ўрин тутиши бизга маълум. Ота-боболаримиз, онахонларимиз чинакам ижодкор, моҳир ҳунарманд бўлганлар. Улар яратган меъморчилик ва амалий безак санъати ёдгорликлари жаҳон маданиятининг мероси ҳисобланади. Шу боис, меҳнат таълими дарсларида миллий ҳунармандчилик касблари тўғрисида ўқувчиларга билим ва амалий кўникмалар бериб, уларда миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат, миллий ғурур каби фазилатларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, Жиззах вилояти мактабларида меҳнат таълими бўйича дарс берувчи ўқитувчилар ҳам ўз машғулотларида миллий ҳунармандчилик касблари ҳақидаги билимларни ўқувчиларга сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу иш, айниқса, вилоятнинг Фориш тумани мактабларида юқори даражада, ҳам ташкилий, ҳам илмий методик савияда олиб борилаётганлиги диққатга сазовордир. Туман мактабларида меҳнат таълими дарсларида, синфдан ташқари машғулотларда деҳқончилик маданияти, тасвирий санъат, каштачилик, сўзана санъати, гилам тўқиш, кигиз босиш, сават тўқиш каби миллий ҳунармандчилик сирлари ўргатилмоқда. Бу сабоқлар ўқувчиларга катта таъсир кўрсатаётганлиги сезилмоқда.**

**Бу соҳадаги илғор тажрибалар туфайли эндиликда меҳнат таълими ўқитувчиларини анъанавий меҳнат йўналишларидан (техникавий меҳнат, маиший хизмат ва қишлоқ хўжалик меҳнатидан) миллий ҳунармандчилик касбларига қайта тайёрлаш замон талабига айланди. Институтимизда ташкил этилган бундай қайта тайёрлаш курслари мазмунида меҳнат таълими ўқитувчиларидан ишбилармон ва тажрибали менеджерлар тайёрлаш кўзда тутилган. Курс маърузаларида асосан миллий ҳунармандчиликка оид янгиликлар, янги дарс технологиялари ва менеджерлик назариялари акс этган.**

**Шундай қилиб, меҳнат таълими ўқитувчилари бир шаклдаги савиядан иккинчи савиядаги ишбилармон ўқитувчи фаолиятига тайёрланадилар.**

**И. ИСМОИЛОВ,**
**Жиззах вилояти ПХМОИ меҳнат ва эстетика бўлими бошлиғи**

Tasavvuf saboqlari

# РУҲ ЗАВҚИ ВА МАЪРИФАТ НУРИ

Жаббор ЭШОНҚУЛ: — Олдинги суҳбатимизда айтган фикр-мулоҳазаларингиздан англашиладики, тасаввуф «таълимот»га қараганда, суфийларнинг маслак ва мафкурасига алоқаси кўпроқ бир атама экан. Сўфийларнинг ўзлари тасаввуфга қандай таърифлар беришган?

Иброҳим ҲАҚҚУЛ: — Тасаввуф тўғрисидаги тушунча ва тасаввур, албатта, сўфийларнинг тасаввуфга берган таърифларидан бошланмоғи керак. Бунда, айниқса, илк даврлардаги сўфий ва мутасаввуфларнинг таъриф ва тавсифлари алоҳида аҳамият касб этади. «Ал-Лумаъ», «Кашфул-маҳжуб», «Рисолаи Қушайрий»га ўхшаш бир неча мўътабар манбаларда шундай таърифлар мавжуддир. Мана улардан айримлари:

1. Маъруф ал-кархий: «Тасаввуф ҳақиқатларга қучоқ очиб, махлуқотнинг қўлидагилардан юз бурмоқ эрур».

2. Абу Сулаймон ад-дароний: «Тасаввуф, сўфийнинг Оллоҳдан бошқаси билмайдиган амалларни адо айлаши ва ёлғиз Оллоҳга аён бир ҳол ила у билан доимий бирликда бўлувидир».

3. Абу Ҳафс ал-Ҳаддод: «Тасаввуф адабдан иборатдир. Ҳар бир вақтнинг адаби бордир. Ҳар бир ҳолнинг адаби бордир. Вақтнинг одобига диққат қилган комил инсон мартабасини эгаллар...»

4. Амр Усмон ал-Маккий: «Тасаввуф, ҳар вақт ва ҳар соат қулнинг қўлидан келадиган энг хайрли иш ила машғул бўлишидир».

5. Абус Ҳусайн Нурий: Тасаввуф русм ҳам эмас, билим ҳам эмас. Тасаввуф ахлоқ эрур. Агар тасаввуф маросим бўлсайди, машаққат ила қўлга киритиларди. Илм бўлса, таълим билан ўрганиларди. Тасаввуф Оллоҳ ахлоқи билан ахлоқланмоқдир».

6. Абул Қосим ал-Жунайд: «Тасаввуф, қулга ато этиладиган бир ҳолдир».

7. Абу Муҳаммад ар-Рувайм: «Тасаввуф, нафсни Оллоҳ иродасига вақф этмакдир».

8. Абу Амр ад-Дамашқий: «Тасаввуф, коинотни нақис кўрмак, камчиликдан холи бўлганни мушоҳадаси ила нақис борлиққа боқмоқдан юз буришдир».

9. Абу Али Рўзборий: «Тасаввуф, қувса ҳам севгилининг эшиги олдида ётмоқдир».

10. Али Бундор ан-Нисобурий: «Тасаввуф, зоҳиран ҳам, ботинан ҳам махлуқотни кўрмасликдир».

Ж. ЭШОНҚУЛ: — Бундай таърифлар тасаввуф ҳақида маълум бир фикр бериши шак-шубҳасиз. Лекин нега уларнинг мазмуни бир-бириддан анча йироқ. Сабаб нима бунга?

И. ҲАҚҚУЛ: — Муваллад Рақкий «Тасаввуф недур?» деган саволга юздан ортиқ жавоб қайтарган экан. Агар улар бир жойга жамланиб ўқилса, бир одамнинг эмас, юз одамнинг таърифига ўхшаб қолади. Аслида улар биргина одамнинг юз ҳол ва ҳолатдаги ҳукму хулосаларидидир. Шунинг учун тасаввуф ҳақида сўзлаганда ёки ёзганда фикр-мулоҳазани ҳеч қачон қатъий ҳукм ва ўзгартириб бўлмас бир хулоса сифатида тақдим этмаслик керак. Тасаввуфшуносликдаги жуда кўп саёз ва хато фикрлар айни шу ҳақиқатни англамаслик ва инобатга олмасликдан туғилгандир.

Тасаввуфга бировлар бидоят ҳолига бошқа бировлар ниҳоят ҳолига таяниб таъриф берганлар. Айрим сўфий ва мутасаввифлар эса тасаввуфнинг аломатларига (Сидқ, вафо ва ҳоказога) асосланиб таърифлар тўқишган. Бир қанча таърифлар ҳам борки, улар тасаввуфнинг тамалини белгилайдиган тушунчалар (тавба, зуҳд, таваккул ва ҳоказо)дан келиб чиқиб айтилган. Буни бир қатор йирик тасаввуфшунослар эътиборга олиниши шарт бўлган жуда муҳим масала сифатида талқин қилишган. Чунки тасаввуф тўғрисидаги сўфий ва мутасаввифлар илгари сурган таърифларнинг ҳеч қайсиси тасаввуфнинг мазмун-моҳиятини мукаммал ва нуқсонсиз ифодалай олмайди.

Ибн Холдинға кўра, ушбу таърифлар ниҳоятда кўплигига қарамасдан, улар у ёки бу замонда яшаган сўфийларнинг маҳдуд ҳолларини акс эттиради. Таърифларнинг ўхшаш бўлиши замоннинг таъсиридан эмас, фарқли бўлиши сўфийларнинг ҳол мақомларидаги фарқларга боғлиқдир.

Ж. ЭШОНҚУЛ: — «Тасаввуф» сўзи қайси тилга мансуб?

И. ҲАҚҚУЛ: — Тасаввуфнинг қайси тилга мансублиги ҳанузгача ўзининг тўлиқ исботини топмаган. Бировлар унинг илдизини юнон тили заминида кўришни истасалар, кўпчиликнинг ҳукми бўйича, бу сўз араб тилига мансуб.

Хусайн Воизи Кошифийнинг ёзишича, тасаввуф атамасини баъзи бировлар ислом дунёга келгандан сўнг пайдо бўлган, деб айтишган. Ваҳоланки, бу сўзнинг исломдан олдин ҳам мавжудлиги «Уне алсуфия» китобида нақл этилган экан. Кошифий тасаввуфдаги «т» ҳарфи — тажридга, «с» — сидқи вафо, «в» — вафо, «ф» — фанога ишоратдир, дейди.

Ж. ЭШОНҚУЛ: — «Тасаввуф» ва «сўфий» сўзларининг ўзаги битта — «сўф». Шунга асосланиб уни арабий сўз деса бўлмайдими?

И. ҲАҚҚУЛ: — Йўқ, бўлмайди. Баъзи олимлар «сўфий»ни равшанлик, порлоқлик, тозалик мазмунидаги «сафват» сўзининг ўзагидан; зоҳидона ҳаётлари билан танилган «аҳли суффа» жамоасининг номидан; Мадина масжидида бино этилган «суффа»дан яралган десалар, бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар «сифат» сўзи; Арабистон чўлларида ўсадиган ўсимлик — «суфара»; Саффи аввалда намоз ўқиганларнинг олдинги сафи билан боғлайдилар. Абу Райҳон Беруний бобомиз: «Юнонча «суф» сўзи бизга ҳикматдир», дейдилар ва «суф» сўзини тушунишдаги чалкашликларни ҳам назардан соқит қилмайдилар: «Одамлар сўфи сўзи устида тортишиб, уни суф, яъни жун сўзидан олинган деб гумон қиладилар. Мен сўфий сўзини софий (яъни соф, содда) йигитдан бошқа нарса деб билмайман». Шундай қилиб, ўша «софий» лафзи хато ёзилиб «сўфий» лафзига айланиб кетган.

Ж. ЭШОНҚУЛ: — Сиз ушбу шарҳ ва талқинлардан қай бири тўғри ёки ишонарли деб ҳисоблайсиз?

И. ҲАҚҚУЛ: — Бундоқ қараганда, Беруний бобомизнинг фикрлари ҳақиқатга жуда яқин. Чунки сўфийликдан асил мақсад ҳам софланиш. Сўфийнинг маънавий-ахлоқий тажрибаси — ботинни поклаш, руҳ завқи ва маърифат нури ила қалбни ҳақ назаргоҳига айлантириш. Бу фоний дунёдаги фикр ва ҳақиқат чашмаларидан бири — Ибрат. Одам фарзанди ибрат олмасдан, дунёга ибрат назари билан қарамасдан камолга етиша олмайди. Сиз кимлардан ва нималардан ибрат олишда хато қилмасангиз — ҳаётингизда оғир хатоларга йўл қўймаган бўласиз.

Тасаввуфда ибрат масаласи жуда муҳим ва кенг ўрин ишғол этади. Тасаввуф арбоблари — буюк шайху машойихлар ҳақида тўқилган ҳикоят, ривоят ва нақлларнинг замирида аслида битта мақсад ётади: ибрат ва ибратга даъват. Тасаввуф дарғалари Оллоҳ парастликда нечоғли ибрат бўлсалар, пайғамбарпарастликда ҳам шунча ўрнак бўла олган зотлардирлар. Улар амалий ҳаёт ва тажрибаларида пайғамбарлик мақоми ва ҳақиқатларига алоҳида аҳамият берганлар. Тариқат йўлига кирган содиқ йўлчи ҳақида машҳур «Гулшани роз» асарининг муаллифи Маҳмуд Шабустарий бундай дейди: «Йўлчи тавба айлар, танланган Одам фарзандлари қаторига қўшилиб, Инсон бўлур. Ёмон ишлардан узоқлашар, Идрис пайғамбар янглиғ кўкларга юзланур. Тубан хислатлардан покланар, Нуҳ каби ҳақиқатта оёқ тирар. Жузъи (кичик, майда) қудратини кулли (катта, буюк) қудратга сингдирар, Халил каби Тангрига суянар. Тилагида Тангри ризосини қозонар, Мусодек у ҳам улуғ дарвозага етар. Ўзининг илмларидан кечар. Исо пайғамбарга ўхшаб, кўк аҳли сафидан ўрин олур. Бир бахтга бутун борлиғини бағишлар — Аҳмаднинг ортидан эргашиб меърожга чиқар».

Мана сизга тасаввуфнинг асосини изоҳловчи мухтасар «Низом».

**(Давоми. Боши газетамизнинг 3-, 5- сонларида)**

Bolalar kutubxonasiga

# QALDIRG'OCH

Қалдирғоч — баҳор элчиси, уйғониш фаслининг даракчиси. Қалдирғоч — инсонларнинг халоскори. Қалдирғоч уя қуриб, бола очган уй хосиятли бўлади, ўша хонадонга қут-барака киради. Шу боиски, бу қушни халқимиз яхши кўради. Чавандозлар чопқир ва севимли жониворi, ерy кўкка ишонмайдиган отига ҳам қалдирғоч дея исм беради. Қалдирғоч исмли қизлар ҳам кўп бу ватанда.

«Камалак» нашриётида лотин имлосидаги янги ўзбек ёзувида чоп этилган китобчага ҳам «Қалдирғоч» деб ном берилган. Бунинг рамзий маъноси бор, албатта. Зотан, бу жажжи фарзандларимизнинг бўлажак кутубхонасининг биринчи китобидир. Нархи 50 сўм. Бу аввалига қиммат туюлди. Кейин мулоҳаза қилиб, сотиб олдим.

Китобда давримизнинг таниқли адиблари қаламига мансуб асарлар — эртак, топишмоқ, тез айтишлар, «Соҳибқирон ўгитлари», ҳажвиялар жамланган. Фарзандларга аталган бу гулдастани назардан ўтказиб, баъзи фикрлар туғилди.

Вақтнинг тиғизлиги нуқтаи назаридан китобча ўзини оқлайди. Лекин китобнинг умршерик эканлигини инобатга олсак...

Кузатган бўлсангиз, болалар эртакларни, хусусан бўри ва тулки, қуён ва бўри, эчки ва бўри ҳақидаги эртакларни хуш кўради. Чунки болада фантазияларга мойиллик бор. Ҳайвонларнинг инсонлардай гапириши уларга ғайритабиий туюлмайди. Шу боис ҳам «Сеними, шошмай тур!» мультфильмлар сериясини болалар севиб томоша қилади. Юз марта бўлсаям қизиқиш билан кўраверади. Бола ғаддор бўрини лақиллатиб кетган қуёнвойнинг чаққонлиги ва ақллилигидан завқ олади.

Олти ёшли ўғилчам «Ур тўқмоқ» эртагини яхши кўради. Тўқмоқнинг очкўзларни савалаб кетганини эшитганда қиқирлаб кулаверади.

— Дада уртўқмоқнинг оёғи борми? — деб сўрайди.

— Йўқ, — деб жавоб бераман унга.

— Оёғи бўлмаса, дод-вой деб қочган одамларга ета оладими?

Топган гапини қаранг бу миттивойни.

Тўпламдаги «Қизғанчиқ ит», «Ёлғон дўст», «Бўри билан эчки», «Ҳосили деб... кўчат экарман!» номли эртак ва ҳикоялар болалар учун ғоят қизиқарли. Ибратли томони ҳам бор. Саҳифаларга ишланган суратларни кўрибоқ, болалар шу жойини ўқиб беринг деб илтимос қилишади. Шуниси борки, мактаб ёшига етмаган ва 1-синф болаларига эртакни ўқиб берсангиз унча қизиқ туюлмайди. Фарзандларга эртакни боплаб айтиб бериш керак. Бўрини бўрининг овози билан, эчкини ўзининг овози билан. Эртаклар фарзандларга яхшилик мамлакатининг йўлини кўрсатувчи сеҳрли таёқчадир.

Китобчага Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон ва Толиб Йўлдошларнинг шеърлари киритилгани жуда соз иш бўлган. Лекин бундай нашрларда Анвар Обиджоннинг туркум шеърлари жой олишини истардик. Шунингдек Ҳамза Имомбердиев, Абдураҳмон Акбар, Дилшод Ражаб каби истеъдодли шоирларнинг шеърларини ҳам назарда тутиш керак.

Янги имлога ўтганимиз китобларни саралаш имконини ҳам беради. Шундай экан, фарзандларимизга энг керакли, маъноли назмимиз ва насримизнинг дурдона асарларининг тақдим этилишини истардик. Шунингдек фарзандларимизни қаҳрамонлик ва жасоратга чорловчи асарлар ҳам назардан четда қолмаса. Улуғ адиб Миркарим Осимнинг «Тўмарис», «Широқ» қиссалари, замонамизнинг илғор ёзувчиси ва шоирларнинг энг яхши қаҳрамонлик қиссаси ва ҳикояларини саралаб олиш маъқул иш. Иқтидорли ёзувчи Баҳодир Мурод Алининг «Кўктўнликлар» қиссаси ҳам ана шундай асарлар сирасига киради.

Яна бир фикр. Китобнинг муқоваси, воҳ... 40 кунлик меҳнатга чидаган ношир, 41 га ҳам чидаса ёмон бўлмасди.

Фарзандларим кутубхонасининг «Қалдирғоч»и деган умид билан сотиб олган китобим бир ҳафтага етмай муқовасидан маҳрум бўлди. Бола дегани тушунса-тушунмаса варақлайверади-да бу китобни. Ҳозиржавоб ноширлардан ўтинчимиз шулар.

**Абдураҳмон ЖЎРА**



Ezgu ish

# БУГУННИНГ ИМКОНЛАРИ

Яқинда бир «эмиш, ... эмиш» эшитдик. Сўнгра бу «эмишларда» ҳақиқат бормиш деб эшитдик. Охири бўлмади; «ростданми?!» деган саволни чўнтакка жойлаб «эмиш»ларнинг манзили — Тошкент медицина-педиатрия институтига бордик.

Ҳовлига кираверишдан (гарчи тепамизда қиш қиличини ўйнатиб турган бўлса-да) институт биносининг таъмир этилаётганини кўрдик. Бинонинг ичига кириб эса баъзи маънавий таъмирланиш ҳолатларини ҳам кўрдикки, бу хусусда андак сабр қилсак-да, гапимизни бир-икки қадам узоқроқдан бошласак.

Даставвал шуни айтиш керакки, бугун Тошкент медицина-педиатрия институтининг шакли-шамоилига нигоҳ ташласак, замонамиз зайлининг муайян лавҳаларини кўрамиз. Дейлик, институт қошида ўтган ўқув йилидан бошлаб махсус лицей фаолият бошлади. Лицейга 60 нафардан ортиқроқ ўқувчи синов асосида қабул қилиб олинди. Шу билан биргаликда институтда иқтидорлилар билан ишлаш гуруҳи ҳам ташкил этилди.

Дарвоқе, асосий демоқчи бўлган мулоҳазамизга қайтсак. Биласизми, бугуннинг ўта сийқа бир хиргойиси бор. Яъни «Баркамол авлод бўлмоқ учун маънавиятли ва маърифатли бўлмоғимиз керак».

Институтда уч йилдирки «Нишона» деб номланган бадиий тўгарак ишлаб келади. Бу тўгарак асосан истеъдодли, бадиий ижод билан шуғулланадиган талабаларнинг маслаҳатхонаси ҳисобланади.

— Мен шу нарсадан хурсандманки, бизнинг тўгарагимизга ҳатто бошқа олий ўқув юртлари талабалари ҳам қатнашишади, — дейди тўгарак раҳбари Кавсар Турдиева. — Тўгарагимиз аъзолари билан ҳар ҳафтанинг тўртинчи куни йиғилишиб, мустақил ижодий ишлар муҳокамасини ўтказамиз. Бу йил олиб бораётган ишларимизнинг натижаси ўлароқ, тўгарагимиз аъзоларининг ижодий тўплам китобини чоп қилиш ҳаракатидамиз.

Биз ташриф этган кун ҳам ушбу тўгарак аъзолари навбатдаги машғулотини ўтказишаётган экан. Бу ижодкор талабаларнинг имкониятлари нечоғлигига биз ҳам гувоҳ бўлдик. Эътиборлиси шундаки, ҳар бир талаба ҳар бир машғулотга қандайдир янгилик билан келар экан. Ва бу «янгилик» кўпчилик ўртасига ташланиб ўзаро муҳокама қилинар экан.

Дарҳақиқат институтнинг бугунги нафас олиши билан қизиқар эканмиз, илмгоҳнинг ошхона, ўқув хоналари ҳамда эндигина ишга туширилган янги ётоқхоналарини кузатиб ҳар қалай дилимизни ёритадиган манзараларни топа олдик.

Хуллас, шапалоқдайгина мақолада катта бир институтнинг бугунги фаолиятини тўлатўкис чизиб бериш имкони йўқ. Ва яна айтиш керакки, қанчалик ютуғимиз бўлса ҳаммаси ўзимизники. Бу мақоладан эса мақсадимиз шу эдики, бугун барча илмгоҳларда ёшлар дунёқарашини ўстириш йўлида юқоридагича имкониятлардан фойдаланилса яна бир муддао бўлур эди.

Энди сўнгги сўзни эшитинг. Исаак Ньютон айтади: «Агар мен Декартдан ҳам узоқроқни кўра олсам, шубҳасиз унинг елкасига чиқиб кўраман». Бу гапдан ҳисса шундай: бугунги авлод эртани қандай кўради, қанчалик кўради, қай тарзда кўради, бу сиз билан бизга боғлиқ.

**Алишер НАЗАР**

**Суратларда: «Нишона» тўгараги раҳбари К. Турдиева тўгарак аъзолари билан (юқоридаги сурат). Институт ёшлари устозлари кенгашида (пастдаги сурат).**



Ta'lim homiylari

# МИСҚОЛДАГИ МУҲАББАТ

*Ватан қаердан бошланади? Ватанга бўлган муҳаббатни қандай намойиш этиш мумкин?*

*Ушбу саволларга бир калима билан жавоб бериб бўлмайди, албатта. Бафуржа гапирилганда ҳам бундай инсоний туйғуни тугал ифодалаб бўлмайди. «Олиймақом ватанпарварлик ватан фаровонлиги йўлида бениҳоя жонбозликдир» деган эди мутафаккирлардан бири. Ушбу фикрни эслаганимда ҳар гал беихтиёр Актам Исмоилов ва у сингарилар қилаётган хайрли ишлар кўз ўнгимдан ўтади.*

*Актам Исмоилов Самарқанд вилояти Жомбой туманининг «Жомбой» жамоа хўжалигидаги Кулчабий қишлоғида меҳнаткаш оилада туғилди. Шароити оғир, бинолари талабга жавоб бермайдиган мактабда таҳсил олди. 1979 йилда эса Мирзо Улуғбек номли Самарқанд Давлат меъморчилик ва қурилиш олийгоҳининг қишлоқ хўжалик қурилиши бўлимига ўқишга кирди. Институтни битиргач, иқтидорли йигитни шу ернинг ўзида ишга олиб қолишди. 1993 йилдан Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўлимида илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда.*

*У қаерда ишламасин ҳамиша бир масала устида бош қотирарди. Қандай қилиб қишлоқдошларнинг болаларига ёрдам бериш керак? Бир куни Актамжоннинг отаси, раҳматли Исмоил ота Юсупов ҳам мана шу фикрни айтиб қолдилар. Гапнинг бир жойдан чиққанидан хурсанд бўлган Актамжон тезда ишга киришди. Мустақиллигини мустаҳкамлаётган она юртига, фидойилик билан жон куйдираётган халқига ўз жамғармасини инъом этишга аҳд қилди.*

*1993 йилда ана шу хайрли ният билан амалий ишга қўл урилди. Кулчабий қишлоғида ҳашар йўли билан мактаб қурилишига киришилди. Ҳашарбоши — Актам Исмоилов қурилиш учун зарур бўлган материалларнинг асосий қисмини ўз ҳисобидан келтирди. Етарли миқдорда цемент, қум, шағал, тош, ёғоч, буёқ икки минг дона пишиқ, ўн саккиз минг дона хом ғишт харид қилди.*

*Ҳашарга қўшилувчилар тобора кўпайиб бораверарди. Биров михдан, биров тунукадан дегандек, қарашишни бошлаб юборишди. Туман ҳокимлиги эшик, деразадан ёрдам қилди. Хўжалик шиферни етказиб берди, боғ яратиш, даромад қилиш учун ер ажратди.*

*Бош ҳашарчи битган мактабни ўз ҳисобидан газлаштирди, электр-монтаж ишларини амалга оширди. Ўқувчиларга шахмат-шашка, юзлаб нусхадаги китоблар инъом қилди, спорт майдончалари барпо этди, мевали-манзарали дарахт кўчатлари ўтқазди.*

*Фойдаланишга тайёр бўлган бино бошланғич мактаб сифатида 29-ўрта мактабга бўлим қилиб топширилди. Айни даврда янги, ихчам, гулдай яшнаб турган илм ўчоғида ҳали суяги қотмаган, узоққа пиёда қатнаб ўқишга қийналадиган болажонлар биринчи синфдан тўртинчи синфгача сабоқ олишмоқда.*

*Хушхабарнинг қаноти бор дейишади. Мустаҳкамланаётган мустақилликка садоқат билан хизмат қилаётган Актам Исмоиловнинг саховатли ишлари ҳақидаги самимий эътирофлар Тошкентга ҳам етиб борди. Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўлими ходимлари, икки саховатпеша инсон, Актам Исмоилов ҳамда Комилхон Каттаевларни қабул қилиб, узоқ суҳбатлашди. А. Исмоиловга мактаб қурилишидаги ташаббуси, К. Каттаевга маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутган қатор китобларнинг қалб инъоми сифатида халққа тортиқ қилингани учун миннатдорчилик билдирди. Суҳбат сўнгида вазир Жомбойнинг 29-мактаби учун бозор тузилмаларини ривожлантириш компьютер синфи жамланмаси совға қилди.*

*Ушбу совғасини топшириш маросимида Вазирликнинг компьютерлаштириш ва бозор тузилмаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Сойибжон Алиев, вилоят ХТБ бошлиғи А. Бекмуродов, туман ҳокими К. Исроилов, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Бошланган пок ниятли иш қўша-қўша қувончлар олиб келаётганлиги қайта-қайта айтилди.*

*Мактаб истиқлолимизнинг олти йиллик тўйини ва ушбу тантаналарга уйғунлашиб кетган билимлар кунини муносиб кутиб олди. Янги ўқув йили алоҳида кўтаринкилик билан бошланди. Мактабнинг бошланғич бўлимида эса тантаналар янада файзли тус олди. Хушвақт дамларда болажонлар ҳамма яхшиликлари учун она халқига, она Ватанига таъзим қилишади. Актам Исмоиловга эса эҳтиром билдириб меҳр билан қарашади.*

*Тантанада иштирок этишаётган ота-оналар, жамоатчилик вакилларининг лаблари беихтиёр пичирлади, улар болажонларнинг билдирган миннатдорчиликларини ҳис қилардилар:*

***Раҳмат Актамжон!***

*Бизнинг шууримизда эса ҳамон ўша саволлар чарх уради: Ватан қаердан бошланади? Ватанга бўлган муҳаббатни қандай баён этиш мумкин...*

**Ўктам БЕК,**
**«Зарафшон» газетаси мухбири**

Uangi zamon odamlari

**Арнасой туманида Нусрат опа Исмоиловани ҳамма билади ва ҳурмат қилади. Айниқса, туман марказида яшовчиларнинг иззат-эътибори чексиз. Нусрат опа туман халқ таълими бўлимига қарашли «Ғунча» болалар боғчасига йигирма бир йилдирки мудира. Шу йиллар мобайнида боғча озмунча жажжи фарзандларни бағрига олмадими? Эҳ-ай, бу ерда тарбия олганларнинг барчаси Нусрат опа учун ўз боласидек ширин эди. Билсангиз, шунинг учун ҳам у киши доимо эҳтиромда.**

**Илгари арнасойликлар опани фақат мудира, деб эъзозлаган бўлса, энди унга яна бир сифат қўшиб гапирадиган бўлди. Ҳозирда у кишини тадбиркор, тиниб-тинчимас аёл, дейдиганлар ҳам кўпайди. Боиси, опа нафақат тумандошларининг юздан ортиқ фарзандига тарбия бериш, балки «Олтин водий» хўжалиги ҳудудидан 33 гектар ер олиб, «Янгиқўрғон» деҳқон-фермер жамоасини ҳам ташкил қилган. Икки йилдирки, ердан унумли фойдаланиб юзлари ёруғ. Бунга осонликча эришилгани йўқ.**

**«Ғунча» болалар боғчасини айланиб, озодаликнинг устидан чиқдик. Болалар гавжум. Ҳар бир гуруҳ учун замонавий, иссиқ хоналар яхши безатилган.**

**Бу ерда малакали мутахассислар болаларга лотин алифбоси ва хорижий тилдан сабоқ беради. Қувонарлиси, икки йилдан буён ота-оналар боғчада тарбияланаётган ҳар бир боласига 375 сўм ўрнига ойига 300 сўмдан тўлайдилар. Қолган 75 сўмини «Янгиқўрғон» деҳқон-фермер хўжалиги ўз зиммасига олган.**

**Нусрат опа бошлиқ «Янгиқўрғон» деҳқон-фермер хўжалиги биргина 1996 йилда мавжуд 33 гектарнинг ҳаммасига пахта**

# ДАЛА ҲАМ, БОЛА ҲАМ ЭЪЗОЗДА

**экиб, 20 центнердан ошириб ҳосил олган.**

**Бу билан 1 миллион сўмга яқин даромад қилган. Ўттан хўжалик йилида эса 10 гектар ердаги буғдойдан белгилангандан ошириб ҳосил олди. 23 гектар майдондаги пахтадан 27 центнердан ҳосил олишга эришди. Агар туман пахта тайёрлаш режасини икки йилдирки бор-йўғи ярмига уддалаётганлигини ҳисобга олсак, Нусрат опанинг тадбиркорлигини пайқаш қийин эмас.**

**— Биз олинаётган даромад ҳисобидан ота-оналарга ёрдам беришни, кейин болалар боғчасига керакли шарт-шароит яратишни кўзда тутганмиз, — дейди Нусрат опа.**

**Дарҳақиқат, опанинг боғча учун елиб-югуриб 500 дона шифер олиб келганлигининг устидан чиқдик. Ўттан йилги даромадлари ҳисобидан тўлиқ қарзларни қутилиб, ҳисобида 700 минг сўм маблағ қолибди. Бундан ташқари, ҳали тола пули, ёғ, кунжарадан каттагина даромадлари бор.**

**Нусрат опадан нега туман пахтачилик ва ғаллачиликда оқсаб қолди, деб сўраганимизда у киши, аввало, меҳнаткашлар манфаати йўқ ҳисоби. Бундан ташқари, туманда раҳбарнинг тез-тез алмашиб туриши, деди.**

**Тўғри, «Ғунча» болалар боғчасида ишлайдиганлар «Янгиқўрғон» деҳқон-фермер хўжалигидан кўраётган манфаатидан миннатдор. Улар меҳнат ҳақидан ташқари қўшимча ёғ, ун ва рўзғор учун бошқа керакли маҳсулотларни олиб турибди. Жамоа хўжалигида ишловчилар учун бу анқонинг уруғидай гап. Яна бир томони опа айтганидек, туманда мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ҳозир олтинчи ҳоким ишлаётган экан. Ҳар бир янги раҳбар ўз йўриғини ўтказишга интилади, албатта. Шу боис ишда ютуқ, самара бўлмайди. Ҳозирда туманда янги ҳоким тадбиркорларга кенг имкониятлар бераётгани ислоҳотларга умид ва ишонч уйғотади. Зеро, келгусида Нусрат опа сингари янги замон одамлари кўпайсин...**

**Эркин ЭСИРГАДИЕВ,**
**журналист**

Sport

### КИКБОКСЧИЛАРНИНГ 7 ОЛТИНИ

Қирғизистоннинг Такмок шаҳрида кикбокс бўйича йирик халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда 250 нафар энг ёш спортчи қатнашди. Вакилларимиз ҳаммаси бўлиб 7 олтин, 4 кумуш ва 1 бронза медалини қўлга киритган ҳолда энг юқори поғонани эгалладилар.

### 7-ЧЕМПИОНАТ ОЛДИДАН

Яқинда футбол бўйича мамлакатимиз 7-чемпионати олдидан олий лига командалари мураббийларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бўлажак мавсумнинг 1 ва 2-турларига қуръа ташланди. Унинг натижасига кўра, барча рақиблар аниқланди. 18 март куни чемпионатимиз байроғи кўтарилади.

### РОССИЯ, АРМАНИСТОН, УКРАИНА: КИМ ЗЎР?

Футбол бўйича 2000 йилги Европа чемпионатининг саралаш учрашувларига қуръа ташланди. Энг қизиғи шундаки собиқ СССР таркибига кирган Россия, Арманистон, Украина терма командалари битта гуруҳга тушди. Энг зўри финалга чиқади.

### ЯПОНЛАР «ЎСИШДА...»

Япония профессионал футбол лигаси раҳбарлари тарқатган маълумотларга қараганда, 1999 йилги мамлакат ички чемпионатида бир йўла 18 команда иштирок этиши мумкин. Уларга бериладиган пул эса италиялик футбол «юлдуз»лариникидан ҳам кўпроқ қилиб белгиланди.

### АҚЛЛИЛАР МАЙДОНИ

Бугун пойтахтда шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасида Тошкент шаҳар чемпионати бошланди. Мазкур мусобақа бир ҳафта давом этади.

maydonchasi

«Quvnoq startlar»

## «ОРЗУ» ҒАЛАБАСИ

*Ургут туманидаги республика миллий ҳунар лицейида мактаб ўқувчиларининг XV республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаси саралаш ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Узун туманидаги 24-ўрта мактабнинг «Оқ олтин» жамоаси ҳамда Ургут туманидаги 65-ўрта мактабнинг «Орзу» жамоалари ўзаро куч синашдилар.*

*Учрашув очилиш маросимида «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти марказий кенгаши раиси Мамадали Ҳайдаров, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Абдумалик Мажидов, Ургут тумани халқ таълими бўлими мудири Исмат Набиев ва бошқалар ўқувчиларни мусобақанинг очилиши билан қизғин табрикладилар.*

*Ҳар иккала жамоа таркибида 12 нафар ўғил бола ва 12 нафар қиз бола бўлиб, 9 та эстафета ўйинларида ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Мусобақада ургутлик ўқувчилар 45 очко жамғариб, ғолиб бўлдилар. Ғолиб «Орзу» жамоасини ушбу мусобақага 65-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари Суюн Норбоев, Ҳақберди Ғаффоров ва Тугал Халиловлар тайёрладилар.*

*Мусобақа якунида Ўзбекистон ХТВ, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси, Ургут туман ХТБ, Ургут туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва бошқалар ўз эсдалик совринларини мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларга топширдилар.*

*Ургут туманидаги республика миллий ҳунар лицейи директори Маҳситилло Эргашев мусобақани яхши ташкил этганлиги учун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг қимматбаҳо соврини билан тақдирланди.*

**Мамажон АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози**



Mitti hikoyalar

## КИТОБНИНГ «БУРНИ ҚОНАБДИ»

Биламан, Фозилнинг кичкина, ўткир пичоғи бор. Доим кўз-кўзлаб, истаган нарсасини кесади. Партадош бўлсак-да, ҳали менга пичоқчасини берган эмас. Сўрасам жавоби аниқ: қўлингни кесасан болакай, дея баҳона кўрсатади.

Ўшанда 6-синфда ўқирдик. Куз охирлаб қолганди. Эрталабки офтобшувоқда исиниб тургандик, қўнғироқ чалиниб, синфга шошилдик. Эшик очилиб, гавдали Мамазиё домла кўринди. Одатдагидай ўрнимиздан туриб, саломлашдик. Йўқлама қилгач, китоб сақлаш ҳақидаги топшириғини назорат этишга киришди. Парта оралаб юраркан, китобини латта ғилофга солган ўқувчиларни мақтаб қўярди.

Лекин Фозил ёнига келиб, на қоғозга, на латтага ўралмаган геометрия китобини кўриб хафа бўлди. Қошлари чимрилиб, бир оз индамай турди. Сўнг қўлидан тутиб, ёзув тахтаси сари етаклади. Фозил иложсиз эргашди. Домла тутоқиб деди:

— Нима қилиб қўйдинг, қулоқсиз?

— Танувли этдим, — деди Фозил қизариб.

— Ҳе, ўргилдим ҳунарингдан. Қаранглар буни, китобнинг бурнини қонатибди-я. Мана, геометрия сўзини пичоқ билан ўйиб олибди, ярамас, — дея пичоқчани чўнтагидан топиб, очиқ деразадан ташқарига улоқтирди. — Сенинг ҳам бурнингни қонатса қандоқ бўларкан, — дея китобни Фозилга ўқталди. Аммо уриб юборишдан ўзини тийди. Синф сув қуйгандек, жим-жит бўлиб қолди. Домла дарсни давом эттирди.

Қулоғимга ҳеч нарса кирмади. Хаёлимда китоб муқоваси йиғлаб, қонли бурнини ҳадеб артарди. Кўзимга ёш қалқиб, атроф хиралашиб кетди. Қаршимда бошини эгиб турган Фозилга заррача ҳам ачинмай, қайтанга нафратим ортди.

## «ЙИҒЛОҚИ» ҒОЗЛАР

Шанба куни эди. Мактабдан келсам онам ҳар доимгидан ҳам баландроқ жаҳл отига минибди.

— Неча марта айтдим-а, бу очофатларингни йўқот деб. Хўп дейсану, қилмайсан. Ана, кўриб қўй, бирор туп ҳам кўкат омон қолмабди. Паққос еб битирибди. Ҳой, Иқбол! Эртага ғозларингни бозорга олиб чиқ. Қанчага бўлса ҳам сот. Қутулайлик шу текин томоқлардан.

Индамай хонамга кириб, дераза ойнасидан ҳовлида юрган ғозларимга қарадим... Эрта баҳор бир жуфт ғоз тухуми топиб, курк товуққа очиргандим. Яқингинада ҳам оппоқ, момиқ патли ғозчалар эди.
Уларни мушукдан асраб: гоҳ токчада, гоҳ яшикларда беркитиб парваришлаганим кўз олдимдан ўта бошлади. Улар менга жуда ўрганиб қолишган. Узоқдан кўрсалар бас, узун бўйниларини чўзиб, мен томон лапанглаб югуришади. Дарров нон ушоқми, донми берсам, баб-баравар «ғо-ғо»лаб гўё «раҳмат, раҳмат!» дейишади. Шунда силлиқ патларини силаб-силаб эркалатаман.

Тонг отиб, уйғонсам, онам кечаги шаштидан тушмабди. Начора, нонушта ҳам қилмай бозорга йўл олдим. Харидорлар ғозларимни ушлаб, обдон кўра бошладилар. Айтган нархлари ҳам ўзларидек ҳар хил. Мен эса сўровларига хомуш жавоб қайтараман, холос. Бир пайт иккала тиззамга ғозларим бош қўйиб суйкала бошлади. Боқсам, икковининг ҳам кўзларидан ёш оқаяпти. Гўё «бизларни сотма, жон, Иқболжон! Энди ҳеч қачон кўкатларга тегмаймиз», дейишаётгандек. Ўзимнинг ҳам хўрлигим келиб, томоғимга нимадир тиқилгандек бўлди. Ҳеч ютина олмайман. Беихтиёр ғозларимни қўлтиқлаб уйга жўнадим. Дарвозани очиб, уларни қўйиб юбордим. Ғозларим қанотларини қоққанича шодон «ғо, ғо» лашиб қўшиқ айта бошладилар.

Онам воқеани сўраб билгач, кулимсиради.

— Хафа бўлма, тойчоғим! Жаҳлим чиққанда айтдим-да. Аканг ишдан келса, кўлчаси бор катта уйча ясатиб бераман. Сен эса ғозларни зериктирмай вақти-вақти билан сайрга олиб чиқиб турасан, — деди онам бағрига босиб. Хурсандлигимдан меҳрибон онажонимни қучоқлаб, юзларидан ўпиб олдим.

**Вали АҲМАДЖОН,**
**Боғдод туманидаги болалар ва ўсмирлар уйининг «Ёш қаламкашлар» тўгараги раҳбари**

Xullas...

### СУРБЕТ СУВАРАКЛАР

Суваракни биласиз, кишига чап бериб, унғай жойга жойлашишда унга тенг келадиган жонзот йўқ. Айниқса, ёқимсиз мўйловларини айтмайсизми! Сал шарпани сездими, зинғиллаб тирқишларни мўлжаллайди. Ахир жон сақлаши керак-да...

Сувараклар 300 миллион ёшга кирган десак, ишонмассиз! Ҳа, бу рост гап, серпуштликда ҳам у жуда кўп жонзоту ҳайвонларни доғда қолдиради.

Қизиғи шундаки, суваракларнинг бурунги аждодлари билан ҳозиргилари орасида умуман фарқ йўқ. Ранги, туки, оёқларию мўйловлари ҳам ўша-ўша...

Ер юзида бу ярамас паразитларни йўқотиш учун қанчадан қанча миллионлар сарфланишига қарамай, уларнинг уруғларини батамом қириб ташлаш мушкул бўлмоқда.

### НАГЕНДРАНИНГ КАШФИЁТИ

Узоқ умр кўришга ҳамма даъвогар. Ичиш, чекиш каби зарарли одатлар киши умрини қисқартирувчи омиллар эканлиги ҳеч кимга янгилик бўлмай қолди.

Ҳиндистонлик шифокор Нагендра кўп йил умргузаронлик қилишнинг ҳали ҳеч ким кашф қилмаган жиҳатини топди. Бу жуда кам миқдорда чуқур нафас олиш ва нормадагидан кам миқдорда овқат ейиш экан. Оддийгина бир киши минутига 15 — 16 марта нафас олиб чиқарса, бир асрдан ортиқ умр кўрганларда бу ҳол атиги 10 — 12 марта такрорланишини Нагендра ўз тажрибасида синаб кўрди.

Хитойда яшовчи 146 яшар деҳқон Гун Лайфа кунига бор-йўғи 250 граммдан гуруч истеъмол қилар экан.

Шундай қилиб, Нагендра нафас олиб чиқариш тезлигин (ритмини) минутига 5 марта камайтиришни тавсия қилади. Шунда киши 100 йилдан кўпроқ умр кўриш имкониятига эга бўлади.

### ЯШАШ УЧУН ЕЙИШ КЕРАКМИ ЁКИ

ейиш учун яшашми? Кимга қандай? Инсон ўз умрининг ўртача 12 йилини овқатланиш учун сарф этар экан. Бу йиллар ичида у... 50 тонна озиқ-овқатни ҳазм қилиб юборади.

Франциялик олимларнинг тадқиқотига кўра, иштаҳаси у қадар яхши бўлмаган киши бутун умри давомида 5 та сигир, 15 та қўй, 16 та чўчқа, 34 та қуён, 1500 бош товуқ истеъмол қилар экан. Оби-тобидагина овқатланиб юрган бир француз шунча нарса тановвул қилса, анчайин иштаҳаси карнай ўзбекларникини ҳисобламаса ҳам бўларкан!

ana shunaqa gaplar

Америка Қўшма Штатлари Элчихонаси мамнуният билан эълон қилади

## АҚШ–Ўзбекистон Инглиз Тили ва Америкашунослик Фанларини Ўқитишда Аълочилик Мукофоти

### Дастур АҚШ Ахборот Агентлигининг моддий ҳомийлиги остида, Ўзбекистон Халқ Таълими Вазирлиги ва АҚШ Ахборот Хизмати (ЮСИС, Тошкент) кўмагида Таълим ва Тил Ўрганиш Бўйича Америка Ҳамкорлик Ташкилоти (АКСЕЛС) томонидан ўтказилади.

Ўзбекистон ўрта мактаблари инглиз тили ва америкашунослик фанлари ўқтувчилари "АҚШ-Ўзбекистон инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишда аълочилик мукофоти" дастурида иштирок этишга таклиф этиладилар. 50га яқин 2-босқич ғолиблари икки юз АҚШ доллари қийматида берилган рўйхатдан ўқув ва малака ошириш материалларини танлаб олиш хуқуқига эга бўладилар. Ҳар бир ғолиб мактаби ҳам икки минг АҚШ доллари қийматида ксерокс, компьютер ва шу каби жиҳозлар билан тақдирланадилар. Мукофотлар нақд пулда берилмайди. 2-босқич ғолиблари орасидан 10га яқин умуммиллий танлов ғолиблари аниқланадилар ва улар 1998 йилнинг ёзида АҚШда ўтказиладиган олти хафталик малака ошириш семинарида иштирок этадилар.

**Дастурга мурожаат этиш**

Қуйида кўрсатилган мезонларга жавоб берувчи ўрта мактаб инглиз тили ва америкашунослик фанлари ўқитувчилари мурожаатномаларни тўлдирилган ҳолда АКСЕЛС ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхоналаридан бирига топширишлари мумкин. Барча мурожаатномалар махсус ташкил этилган Маҳаллий Танлов Қўмитасига жўнатилади ва таълим мутахассисларидан ташкил топган гуруҳлар томонидан кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади. Регионал Танлов Қўмиталари аъзолари Ўзбекистон бўйлаб танланадилар.

**Баҳолаш қоидалари**

Регионал Танлов Қўмиталари, Суҳбат гуруҳлари барча номзодларни қуйида келтирилган мезонларга асосан баҳолайдилар.

1. Номзоднинг инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитиш қобилиятлари;
2. Инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишга янгилик кирита билиш қобилияти;
3. Хилма-хиллик ва плюрализмдан хабардорлик ва уни қўллай билиш;
4. Касб маҳорати;
5. Етакчилик қобилияти.

**Мезонлар**

Қуйидаги мезонларга жавоб берувчи барча инглиз тили ва америкашунослик фанлари ўқитувчилари дастурда иштирок этишлари мумкин:
- Ўзбекистон фуқароси;
- Айни пайтда Ўзбекистондаги ўрта мактабларнинг бирида дарс бераётган;
- Иш фаолияти 3 йилдан кам бўлмаган;
- Ўзбекистондаги ўрта мактабларнинг бирида 1998-99 ва 1999-2000 ўқув йилларида иш фаолиятини давом эттиришни режалаштираётган;
- Охирги 5 йил ичида АҚШ давлати томонидан бошқа грант олмаган;
- Олий маълумотли шахслар.

Баҳолаш жараёнида номзодлар ёши эътиборга олинмайди. Номзодлар Ўзбекистоннинг барча ижтимоий қатламларидан бўлишлари мумкин. Улар ирқи, миллати, жинси, ёши, ёки ижтимоий тутган ўрнига кўра камситилмайдилар. Номзодлар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан бўлишлари мумкин. Улар ўз мактабларининг халқаро алоқалар ўрнатиш имкониятлари бўйича эмас, балки ўз қобилиятларига асосан баҳоланадилар.

**АҚШдаги ўқитувчилар**

Юқорида айтиб ўтилган танлов тарзида ғолиб деб топилган АҚШлик ўқитувчилар 1998 йилнинг октябрида тахминан 2 ҳафтага Ўзбекистонлик ғолиблар мактабларига ташриф буюрадилар.

**Мурожаатномаларни топшириш муддати**

Мурожаатномалар АКСЕЛС ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида 1998 йил 12 февралга қадар қабул қилинадилар. Ўзбекистонда ўтказиладиган дастур тўғрисида тўлиқ маълумот олиш учун АКСЕЛС ташкилотининг ваколатхоналаридан бирига мурожаат қилиш мумкин:

АКСЕЛС
Лохутий кўчаси 16-А уй
7-чи қават, 716-хона
Тошкент 700015, Ўзбекистон
Тел.: (3712) 55 12 71
e-mail: accels@actr.bcc.com.uz

АКСЕЛС Маслаҳат Маркази
Ўзбекистон шоҳ кўчаси 80 уй
2-чи қават, 203 хона
Тошкент 700027, Ўзбекистон
Тел.: (3712) 45 80 56
e-mail: accels@advise.bcc.com.uz

АКСЕЛС Нукус бўлими
Қорақалпоғистон кўчаси 3 уй, 1 қават
Нукус 742000, Ўзбекистон
Тел.: (36122) 7 09 68
e-mail: habib@accels.nukus.silk.org

АКСЕЛС Наманган бўлими
Машраб кўчаси 4 уй, 4 қават
Наманган 716000, Ўзбекистон
Тел.: (36922) 6 27 50
e-mail: accels@actrnam.bcc.com.uz

АКСЕЛС Самарқанд бўлими
Университет Сайилгоҳи
Ўзбек филологияси бўлими 11 хона
Самарқанд 703000, Ўзбекистон
Тел.: (3662) 35 02 74
e-mail: accels@actrsam.bcc.com.uz

АКСЕЛС Бухоро бўлими
Эшони Пир кўчаси 2 уй
Бухоро 705018, Ўзбекистон
Тел.: (3652) 24 22 46
e-mail: accels@bukhara.silk.org

*АҚШ-Ўзбекистон Инглиз тили ва Америкашунослик фанларини Ўқитишда Аълочилик Мукофоти дастури учун маблағ АҚШ Ахборот Агентлиги қошидаги Таълим ва Маданий Ишлар бўйича Бюро томонидан ажратилган.*

Bilasizmi?

### САВОДХОН МАЙМУНЛАР

Таиландда маймунлар ўқитиладиган махсус мактаб бор. Унда бу жониворлар хурмо дарахтларидан кокос ёнғоғи териш бўйича сабоқ оладилар. Энг яхши таълим олган макак маймунлар бир кунда 1 минг 400 тагача ёнғоқ терадилар.

Мактабни битирувчи маймунларнинг навбатдаги мусобақаси ҳам қизиқарли бўлди. Маймунлардан бири ярим минут ичида хурмо дарахтидан тўққизта ёнғоқ туширишга эришди ва ғолиб деб топилди.

### МИНОРАНИНГ УМРИ УЗАЙДИ

Ироқдаги бир томонга оғиб бораётган минора — Мосул шаҳридаги «Аль Хабда» минорасини сақлаб қолиш учун чора кўрилди. Мутахассислар 55 метрли бу иншоотни пўлат устунлар билан мустаҳкамлаш ва чиройли ранг-баранг ғиштлар билан безаш учун роса уч йил меҳнат қилдилар. Шу тариқа қачондир юз бериши мумкин бўлган хавфли воқеанинг олди олинди.

«Аль Хабда» минораси араб мамлакатларидаги энг баланд иншоотлардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашларига кўра, табиий шароитлар, айниқса, кучли шамоллар таъсирида Ироқ мамлакати шимолидаги кўпгина баланд миноралар аста-секин оғиб бораётир. Бу ҳолат, айниқса, Курдистонда кўпроқ сезилмоқда.

**А. АЛИЕВ тайёрлади**


**Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курсида 1998 йил февраль ойида навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида иш бошлайди.**

Унга қуйидаги мактабгача тарбия муассасаларининг мутахассислари таклиф қилинади:

1. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари — 2. II — 28.II. 1998 йилгача.

2. Мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари — 2.II — 28.II. 1998 йилгача.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида болалар хонаси мавжуд.

***МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси бекати.***
***Троллейбуслар: 3, 4, 8.***
***Автобуслар: 28, 34, 87, 116, 76.***
***Телефонлар: 46-98-04, 46-90-94.***


**Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва кимё факультети жамоаси табиий бирикмалар кафедраси мудири, профессор**

**Саит АУЕЛБЕКОВ**

**вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.**


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Зубайда УСМОНОВА,
Нурлан УСМОНОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0905. Тиражи 53343. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6